

БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2025 йил 10 декабрь куни Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, суд биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Ш.Қувватов,

Ҳайъат аъзолари: Н.Шаропов ва Я.Ниёзовдан иборат таркибда, Ш.Алмосовнинг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ж.Тошов, судланувчи Ж.Қўшаев ва унинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Эргашевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг 2025 йил 3 октябрдаги ҳукмига нисбатан Ж.Қўшаев ва унинг адвокати Ш.Эргашев томонидан келтирилган шикоят ва Қоровулбозор туман прокурори томонидан келтирилган протест асосида жиноят иши ҳужжатларини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг
2025 йил

3 октябрдаги ҳукмига кўра:

1999 йил 23 май куни Бухоро вилояти, Жондор туманида туғилган, ўзбек, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 2024 йил

8 апрелдаги ҳукмига асосан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “в” банди ва 112-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг

59-моддаси тартибида 2 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2024 йил 3 майдаги ажримига асосан ЖКнинг 73-моддаси тартибида ўталмасдан қолган 1 йил 3 ой 13 кун озодликни чеклаш жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Жондор тумани, “Навгади” маҳалла фуқаролар йиғини, “Тараққиёт” кўчасида яшаган, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси ва ҳукм нусхасини муддатида олган Қўшаев Жавоҳир Илҳом ўғли /Qo`shyev Javohir Ilhom o`gli/га

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 28,211-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 2 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳамда ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида узил-кесил 2 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланиб, Ж.Қўшаевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинган ва суд залидан қамоққа олинган.

Суднинг ҳукмига кўра, Ж.Қўшаев 2025 йилнинг апрель ойида фуқаро Ф.Манглиев билан танишиб, уни алдаб, ишончини суистеъмол қилган ҳолда мулкини қўлга киритишни мақсад қилиб, гўёки ваколатли мансабдор танишлари орқали “А, Е, Д” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун бўлиб ўтадиган имтиҳонлардан муваффақиятли ўтказиб бериш мақсадида 1.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини пора беришга далолат қилиб, 2025 йил 23 апрель куни Жондор тумани ҳудудида ундан 1.200 АҚШ долларини, 2025 йил 28 апрель куни Жондор тумани, “Зарафшон” МФЙда жойлашган истироҳат боғида 300 АҚШ доллари, жами унинг 1.500 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлган киритган.

Шунингдек, Ж.Қўшаев фуқаро Ф.Манглиев орқали фуқаро М.Шодмонов билан танишиб, уни ҳам алдаб, ишончини суистеъмол қилган ҳолда мулкини қўлга киритишни мақсад қилиб, гўёки уни ваколатли мансабдор танишлари орқали ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш бўйича бўлиб ўтадиган имтиҳондан муваффақиятли ўтказиб бериш мақсадида пора бериш эвазига ишни ижобий ҳал қилишни ваъда бериб, ундан мансабдор шахсга пора сифатида бериш учун 800 АҚШ доллари миқдоридаги пул маблағларини беришини талаб қилиб, 2025 йил 10 май куни соат 12:45 ларда Бухоро шаҳар “Шергирон” МФЙ, “Бахт” кўчасида жойлашган автотураргоҳда М.Шодмоновдан кимёвий ишлов берилган 800 АҚШ долларини (2025 йил 10 майда 1 АҚШ долларининг давлат курсидаги баҳоси 12.910 сўм 15 тийинни ташкил қилган) олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Протестда, Ж.Қўшаевга ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди билан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖКнинг 58-моддаси талабидан келиб чиқиб ўзгартириш ва ҳукмни қонунга мувофиқлаштириш сўралган.

Судланувчи Ж.Қўшаев ва унинг адвокати Ш.Эргашев апелляция шикоятда Ж.Қўшаевнинг ҳаракатлари оқибатида



оғир оқибатлар келиб чиқмаганлиги ва қарамоғида касалманд ота-онаси борлигини инобатга олиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини енгиллаштириш томонга ўзгартиришни сўрашган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Я.Ниёзовнинг маърузасини, судланувчи Ж.Қўшаев ва унинг ҳимоячиси - адвокат Ш.Эргашевнинг шикоятни қаноатлантириб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлаш, прокурор Ж.Тошовнинг суд ҳукмини ўзгартириб, қонунга мувофиқлаштириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни апелляция шикояти ва протест билан биргаликда ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартиришни лозим топади.

Апелляция инстанциясида судланувчи Ж.Қўшаев ҳеч қаерда расман ишламаслиги, қилмишидан пушаймонлиги, фуқаро Ф.Манглиев унга алоқага чиқиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олишда ёрдам сўраганлиги, Ф.Манглиевдан ҳайдовчилик гувоҳномасини қилиб бераман деб пул олганлигини, лекин ЖКнинг 211-моддасини содир этмаганлигини, олган 1.500 АҚШ долларини қайтариб берганлигини, жабрланувчилар уни ҳеч қаерда ишламаслигимини билишганликларини, унга пул зарур бўлганлиги учун Ф.Манглиевдан пулни олганлигини, пулни олгунча ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун бўлиб ўтадиган имтиҳонлардан ўтказиб бераман деб айтганлигини, Ф.Манглиев пулни қайтариб беришни сўраганлиги учун қайтариб берганлигини, Ф.Манглиев Россия Федерациясида ишлаб юрганлиги учун унга ишонганлигини, Ф.Манглиев ва унинг жияни М.Шодмоновга ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун бўлиб ўтадиган имтиҳонлардан юз фоиз ўтказиб “праваларизни ҳал қилиб” бераман деб айтганлигини, лекин уларга кимдир ҳайдовчилик гувоҳномасини қила олмайди дегани учун ариза қилишганлигини, “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали олиб борилган ёзишмаларни тан олишини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида гувоҳ Ф.Манглиев дастлабки тергов органига берган кўрсатувларини тасдиқлашини, Қўшаев Жавоҳирга пул берганлигини, у унга ҳайдовчилик гувоҳномасини дарёни тескари оқишидан бошқа барча ишларни қила оладиган танишлари орқали олиб бера олишини билдирганлиги, Ж.Қўшаевга уйдан 1.200 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни видетасвирга олган ҳолда



берганлигини, шундан сўнг Ж.Қўшаев ҳайдовчилик гувоҳномасидаги бошқа категориялар учун ҳам пул сўраганлиги учун яна 300 АҚШ доллари берганлигини, тергов органига Ж.Қўшаевнинг овозли хабарларини тақдим қилганлигини, жияни М.Шодмонов ишини 1.000 АҚШ долларига қилиб бераман деб Ж.Қўшаев айтганлиги ва унга қарата “сизни ҳурматиз майли” 800 АҚШ долларига танишлари орқали М.Шодмоновга ҳам ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб беришни Ж.Қўшаев билдирганлигини, шу суҳбатдан икки ҳафта сўнг жияни М.Шодмонов билан судланувчи Ж.Қўшаевлар кўришишганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Апелляция инстанциясида гувоҳ М.Шодмонов тергов органига берган кўрсатувларини тасдиқлашини, судланувчи билан ўрталарида ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш масаласида 800 АҚШ доллари миқдорида олди-берди бўлганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Биринчи босқич суди судланувчи Ж.Қўшаевга оид жиноят иши тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айблилиги ҳақида асосли хулосага келган.

Судланувчи Ж.Қўшаевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганликдаги айби унинг дастлабки терговда ва суд жараёнида берган кўрсатувлари, гувоҳлар Ф.Манглиев ва М.Шодмоновнинг кўрсатувлари, 2025 йил 10 май куни Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Бухоро вилоят бошқармаси томонидан фуқаро Ф.Манглиев ва М.Шодмоновнинг оғзаки аризалари қабул қилинганлиги ҳақида расмийлаштирилган баённомалар, пулларга кимёвий ишлов бериш ва аризачига топшириш, тезкор эксперимент тадбирини ўтказиш, электрон маълумотлари ихтиёрий тақдим қилиш ва кўздан кечириш ҳамда рақамли жисм ва ундаги электрон маълумотларни кўздан кечириш, аудиоёзувни эшитиш ва стенограмма қилиш ҳақидаги баённомалар, Бухоро вилоят ИИБ Эксперт криминалистика бўлимининг 2025 йил 12 майдаги 325-сонли кимёвий экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида мавжуд далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Судлов ҳайъати, судланувчи Ж.Қўшаевнинг пора беришга далолат қилмаганлиги ва пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари учун олганлиги ҳақидаги важларини асосиз деб ҳисоблайди.

Унинг бу важлари гувоҳ Ф.Манглиев ва гувоҳ М.Шодмоновнинг дастлабки тергов ва судлардаги кўрсатувлари, 2025 йил 10 май кунидаги сўзлашувлар ёзиб



олинган дискни кўздан кечириб ва сўзлашувларни эшитиб қўйиб ҳақидаги баённомасидаги М.Шодмоновнинг “у олиб бериб биладия 100 %” деган саволига Ж.Қўшаевнинг “ҳа”, “йўқ унақа бўлмайди унга ман жавоб деяпманку”, “бирор марта бўлмаган, бўлса ўзимда дадам 01 билан тушганда бўлди ундан кейин срази битирди шундан кейин ишондим ман”, Ф.Манглиевнинг “ҳа шу одамларининг бирор кишига олиб берганми” деган саволига Ж.Қўшаевнинг “бўлмаса ман сизга айтмайманку” мазмундаги аудиоёзувлар билан рад қилинади.

Судлов ҳайъати, судланувчи Ж.Қўшаевнинг келтирган важларини жавобгарликдан қутулиш ёки жазони енгиллаштириш учун қилинаётган ҳаракат сифатида баҳолайди.

Судлов ҳайъати, жиноят иши бўйича тергов органи ва биринчи босқич суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддаси талабларига риоя этилган ҳолда иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текширилиб, уларга ҳуқуқий баҳо берилган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил

23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 23-бандида агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи босқич суди томонидан қайд этилган Пленум қарорига амал қилинган ҳолда, судланувчи Ж.Қўшаевнинг ҳаракатлари

ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди ва 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо одилонга бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.



Судлов ҳайъати, биринчи босқич суди судланувчи Ж.Қўшаевга жазо тури ва миқдорини белгилашда қайд этилган Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорида белгиланган раҳбарий тушунтиришларга риоя этган ҳолда, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, судланувчининг шахси, оилавий шароити, жиноят оқибатида етказилган зарар қопланганлиги каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаган ҳолда шахсига мос ва қилмишига яраша, адолатли жазо тайинлаган деб ҳисоблайди.

Бироқ, биринчи босқич суди томонидан судланувчи Ж.Қўшаевга нисбатан ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан жазо тайинлашда Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилган.

Жумладан, ЖКнинг 58-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати ёки миқдори ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 11-бандида Жиноят кодексининг

58-моддасига мувофиқ, жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун мазкур жиноят учун қонунда назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ортиқ бўлиши мумкин эмаслиги, бунда энг кўп жазо деганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида (модданинг қисмида) назарда тутилган ҳар қандай жазо турининг энг юқори муддати ёки миқдори тушунилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

ЖК 168-моддасининг 3-қисми санкциясида бошқа жазолар билан бир қаторда икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари жазоси назарда тутилган.

Биринчи босқич суди судланувчи Ж.Қўшаевга нисбатан ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ушбу модда санкциясида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошириб, 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, хатоликка йўл қўйган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 489-моддасида Жиноят кодекси Умумий қисми моддаларининг талаблари бузилганлиги Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри



қўлланилиши деб эътироф этилиши, шу Кодекснинг 485-моддасида Жиноят кодекси нормаларининг нотўғри қўлланилганлиги ҳукми ўзгартириш учун асос бўлиши кўрсатилган.

Судлов ҳайъати, қайд этилган Қонун ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя қилиб, биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириб, судланувчи Ж.Қўшаевга нисбатан ЖК 25,168-моддаси

3-қисмининг “б” банди билан тайинланган жазони қонунга мувофиқлаштиришни, унга ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди, ЖКнинг 59,61-моддалари ва ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида тайинланган жазоларни ҳамда ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 485, 489, 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Жиноят ишлари бўйича Қоровулбозор туман судининг 2025 йил 3 октябрдаги Қўшаев Жавоҳир Илҳом ўғлига оид ҳукми ўзгартирилсин.

Судланувчи Ж.Қўшаевга ЖК 25,168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тайинланган жазо ўзгартирилиб, унга шу модда билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 2 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ж.Қўшаевга ЖК 28,211-моддаси 2-қисмининг “а” банди, ЖКнинг 59,61-моддалари ва 60,61-моддалари тартибида тайинланган жазолар ҳамда ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Протест тўлиқ, шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Ажрим устидан Бухоро вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи /имзо/

Ш.Қувватов

Ҳайъат аъзолари /имзо/

Н.Шаропов

/имзо/

Я.Ниёзов

Ажрим нусхаси аслига тўғри
Я.Ниёзов



Маърузачи: Ниёзов Яшин Комилжонович



Ҳужжат имзоланган: Ниёзов Яшин Комилжонович, 18.12.2025

